

Кун мавзуси

## ИНСОНПАРВАРЛИК ВА САХОВАТ КОРОНАВИРУСНИ ЕНГАДИ



Носир ХАЙДАРОВ олган суратлар.

Хайридинмурод АБУЛФАЙЗОВ

Мамлакатимиз ўтказётган шундай синовли кунларда халқимизнинг аҳиллиги, бирдамлиги, инсонпарварлиги ҳамда Президентимизнинг коронавирусга қарши барча саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш борасида олиб бораётган оқилона сиёсатига уйғунлик янада яққол намоён бўляпти. Жумладан, карантин шароитида қолган аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда дори-дармонлар, антисептик воситалар билан таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Республика махсус комиссияси қарорига мувофиқ, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташаббуси билан Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари фаолиятининг йўлга қўйилгани карантиндаги юртдошларимиз, айниқса, дуоғўйларимиз бўлган отахон ва онахонларни пандемия хавфидан ҳимоя этишдаги муҳим қадам бўлди.

Шу кунгача турли ташкилот ва муассасалар ходимлари қатори саховатпеша тадбиркор ва ишбилармонлар, юртдошларимиз яқка тартибда кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий кўмак бераётган эди. Бироқ яқка тартибда хайрия ёрдами кўрсатаётган фуқароларнинг санитария қоидаларига риоя этиши, зарур ҳимоя воситаларига эга эмаслиги билан боғлиқ масалалар карантин тартибини бузиш, энг ёмони, касалликнинг иммунитетини нисбатан паст бўлган қатлам — қарияларга юқиб хавфини юзага келтирди.

Боз устига хайрия ёрдамларининг мувофиқлашти-

рилмагани ва эҳтиёжмандлар рўйхати манзилли шакллантирилмагани туфайли баъзи хонадонларга устма-уст ёрдам берилгани ҳолда айрим оилалар эътибордан четда қолгани ҳақида икки юзга яқин мурожаат бўлган.

— Юртдошларимизнинг оғир кунларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ёлғизлатиб қўймакликдек олижаноб фазилати шу кунларда барчамизни таъсирлантиряпти, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Элмира Боситхонова. — Биргина мисол. Кеча Ўзек-помарказда ташкил этилган Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказига хомийлар томонидан беш тонна ёғ, олти тонна ун, ўн тоннага яқин пивёз, беш тоннадан зиёд гуруч, ўн бир тонна макарон, ўн тоннадан зиёд картошка, олти тонна шаккар, 560 қути тухум, бир ярим мингта товук, 400 килограмм мош, ўн


минг дона тиббий ниқоб, йигирма минг дона тиббий қўлқоп, беш минг дона бир марталик ҳимоя кийими (комбинезон) тўпланди. Тошкент шаҳридаги 420 та хонадонга ўн икки турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди. Уларни етказиш учун ҳар бир туманга иккитадан "Дамас" автомашинаси ажратилди. Маҳалла раислари ҳамроҳлигида ушбу ёрдамлар оилаларга етказиб берилди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри ҳамда вилоятлар марказларида ҳам шундай механизм жорий этиляпти. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлимлари жойлардаги эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ёрдамга муҳтож қатлами ҳақидаги маълумотни ҳудудий тегишлилиги бўйича Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказларига тақдим қилмоқда. Марказларда Ҳомийлик ёрдамлари — озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситаларининг санитар ҳолати тўлиқ кўриқдан ўтказилляпти. Маҳсулотлар карантин талабларига тўла мувофиқ кийинган мутасаддилар ва маҳалла раислари ҳамроҳлигида етказиб берилмоқда.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан коронавирус инфекциясини жиловлash, тарқалишининг олдини олиш борасида кўрилайётган чора-тадбирлар фуқароларнинг касалликни юқтириб олиш эҳтимолини имкон қадар чегаралайди, вирусли инфекциянинг тарқалишини жиловлashга хизмат қилади. Бу борада, айниқса, ўз ҳаёти ва соғлиғини гаровга қўйиб, пандемия билан курашаётган шифокорлар, ҳамширалар, санитар ходимларнинг улкан жасорати таҳсинга лойиқ.

Айнан шундай тиббиётимиз қўллаб-қувватлашнинг фидокорона меҳнати туфайли бугун коронавирус инфекциясига чалинган беморларнинг яна 13 нафари инфекциядан буткул тузалди. Соғайган юртдошларимизнинг 12 нафари Вирусология илмий текшириш институти клиникасидан, 1 нафари эса Хоразм вилоятидаги юқумли касалликларга ихтисослашган шифохонадан қисқа муддатли қайта тиклаш муолажаларини олиш учун кузатилди. Айни пайтда юртимизда коронавирус инфекциясидан соғайганлар сони 25 нафарга етди.

## ТАҲДИДЛАРНИ ДАФ ҚИЛИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА



Иброҳим ҒАФУРОВ,  
Ўзбекистон санъат арбоби

2020 йилнинг баҳори Ўзбекистон учун ниҳоятда қулай келди. Боғлар, бўстонлар беталафот гуллаб-яшнаб олди. Олди ғўра мевалар қинидан чиқа бошлади. Еримиз офтобда кўпириб, увоқ-увоқ бўлиб, уваланиб, уруғларни қабул қилишга шай бўлиб турибди.

Ундан: "Экиннинг эки! Вақтинги бой берма, келажак орзу-аъмолларининг тамал тошини қўй! Бугунги сочган уруғинг эртанги йиғиштириб оладиган олтинларингдир", деган тарзда ўзбек деҳқонига бугун тонгдан тонггача нидолар келиб турибди. Деҳқон бу нидоларни тушунади, уни ўз ҳаётига чорлов деб қабул қилади. Ернинг бу ҳаёт қаҳирини ҳаммамиз учун асос қаҳиринг.

Давоми 2-бетда

ЭММАНУЭЛ АЛЭН КАБАНИС,  
ПАРИЖ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ФАХРИЙ ПРЕЗИДЕНТИ:

## “ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА САЛОМАТЛИК ВА РАВНАҚ ТИЛАЙМАН”

“Дунё” АА, Париж

Ҳозирги кунда коронавирус дунёнинг деярли барча мамлакатларига тарқалди. Касалланганлар сони бўйича Франция олтинчи ўринда қайд этилмоқда.

“Дунё” ахборот агентлиги муҳбири Париж тиббиёт академияси фахрий президенти ва академиги Эммануэл Алэн Кабанис билан суҳбатлашди ва ушбу эпидемияга қарши самарали кураш бўйича унинг фикрлари билан қизиқди.

— Коронавируснинг мамлакатлар бўйлаб тез тарқалиши туфайли дунёдаги вазият мураккаб бўлиб бормоқда. Франция ва Ўзбекистон ҳам ушбу эпидемия таъсиридан четда қолмади. Менинг наздимда, янги турдаги коронавирус эпидемиясини тўхтатиш учун аҳолини яққалаш (изоляция қилиш) чораларининг ўзи етарли эмас. Давлатлар касалликни юқтирган одамларни

аниқлаш, уларни тест синовларидан ўтказиш ва даволаш учун қатъий чоралар кўришлари керак.

Сўхбатлашди ва ушбу эпидемияга қарши самарали кураш бўйича унинг фикрлари билан қизиқди. — Коронавируснинг мамлакатлар бўйлаб тез тарқалиши туфайли дунёдаги вазият мураккаб бўлиб бормоқда. Франция ва Ўзбекистон ҳам ушбу эпидемия таъсиридан четда қолмади. Менинг наздимда, янги турдаги коронавирус эпидемиясини тўхтатиш учун аҳолини яққалаш (изоляция қилиш) чораларининг ўзи етарли эмас. Давлатлар касалликни юқтирган одамларни

Давоми 2-бетда

Таҳлил ва таққос

## «ХТД – 2020»

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ТАҚҚОСЛАШЛАР  
ДАСТУРИНИНГ НАВБАТДАГИ ГЛОБАЛ  
БОСҚИЧИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,  
Иқтисодий шарҳловчи

Бу дунёда ҳамма нарсанин ўз тошу тарозиси, мезону тамойиллари бор. Иқтисодиёту тижоратда уларнинг қандай тош босишига қараб пул, акция, нефть, олтину гавҳар ва умуман, бошқа маҳсулоту хизматлар нархи, қадр-қиммати белгиланиб келинади.

Давоми 4-бетда

# COVID-19

ЮҚТИРИБ ОЛГАН ШАХС  
НЕЧА КИШИНИ  
ЗАРАРЛАШИ МУМКИН?

ФАОЛЛИКНИ КАМАЙТИРМАСА


Ҳозир 5 кунда 30 кунда

2,5 нафар шахс 406 нафар шахс

ФАОЛЛИКНИ 50% ГА КАМАЙТИРСА

Ҳозир 5 кунда 30 кунда

1,5 нафар шахс 15 нафар шахс



ФАОЛЛИКНИ 75% ГА КАМАЙТИРСА

Ҳозир 5 кунда 30 кунда

0,65 нафар шахс 2,5 нафар шахс



Кун мавзуси

# ТАҲДИДЛАРНИ ДАФ ҚИЛИШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА



Бошланиш 1-бетда

Инсоният нима қилса, қайси йўлдан борса ғалабага эришади. Айтиш қийин. Тобора қийин.

Хозир Ер юзиде 7 миллиарддан зиёд онг ва номаълум вирусларнинг чек-чегарасиз қўшинлари рўбарў турибди. Вируслар инсониятнинг юраги, мияси, вужудига кириб олиб, уни маҳв этиш учун сон-саноксиз қўшинларини ташлаган. Инсоният бунга қарши респираторлар тақиб олди.

Инсоният тахликада! Ваҳимали сиреналар, хувиллаган буюк шаҳарлар — бугун дунёнинг кўриниши шундай.

Болалик чоғларимда, 40-йилларнинг ўрталарида кўчаларда безгак тутиб қолган, силласи куриб, шаклилаб титраб-қалтираган, деворлар тагида, ариқлар ичида думалаган одамларни кўрардим. Трахомалар одамларнинг кўзларини ўйиб ерди. Сил таёқчалари неча-неча ширин жонларни қора туپроқларга тикарди. “Хинин”, “Стрептоцид”, “Пенициллин” деган ғалати овозлар, шов-шувлар халқ ичида юрарди. Безгаклар куриди, трахомаларга даво топилди. Сил эса ҳамон асоратларини қолдириб, инсониятни безовта қилди. Бола бўлсак ҳам ўшанда шундай дориларни топган илм-фан кудрати мурғак ақл-идрокимизни лол қилар эди ва илм умр бўйи оҳанрабо ками бизни ўзига тортарди. Бугун “диабет”, “вирус” деб вужудимизга кўрқув, ваҳима соладилар. Нима, инсониятни қутқарган “пенициллин”ларни яратган буюк олимлар энди йўқми? Биз энди ёш қизча — Грета-ларнинг экологик ваъзларини озғимизни очиб тинглаб ўтиришга ўрганиб қолмадикми? Энди ким инсониятни оммавий касалликлар, оммавий гулгулалардан ҳимоя қилади? Ҳимоя борми энди? Мазрифатли Европада энди фантазияси кўплагга парвоз қилган Мюнхазенлар йўқолиб кетдики?

Бир неча ҳафтадирки, дунё баногоҳ ўзини карантин билан қамраб олди. Дунё ўз ҳаёти, борлигига омонсиз хавф солаётган дахшатли балони аниқлаб олиш, илдини топиш, тобора кўпайиб, яна инсониятга ҳужум қилишининг олдини олишга қатъий билан чоралар кўришга киришди. Бу осон бўлаётгани йўқ. Мамлакатлар кунда триллионлаб зарар кўрмоқда. Мислсиз маблағлар соврилиб кетмоқда. Бизни уйимизда ўтиришга мажбур қилган вирус вақтини ҳам

саволлар ичида қоврилиб ёнаман. Ахир Чўлпон йигирма уч ёшида “Ёрқиной”дек буюк романтик асарни ёзиб халқнинг руҳини кўтарди-ку? Биз-чи? Нима қиларимиз, дейман.

Мен уйда ўтириб зерикаманми? Ёшим саксон учга етиб, бир фикрни кашф қилдим: дунёга яшаш учун келган одам жуда узоқ орзу қилиши керак экан. Шунда уфқлар очилар экан, ҳаёт уфқлари лоллар каби инсон олдида ястаниб ётар экан. Мен карантин кунларидан салгина илгари “Ака-ука Карамазовлар”нинг ўзбекча таржимасини тугатдим. Уни ўзбек-

Ох, қанчалар ишлар кўп асримиз одамига! Қанчалар тарихлар кўп замондошимиз қошида. Уларга ўз тарихингни ярат, замондошим, дегим келади. Энди соғлом ақл билан ўйлайлик, замон шундай: бу вирус бўлмаса, бошқа вирус пайдо бўлиши мумкин-ку. Зеро, кечаги кунларнинг дахшатли чиқиндилари ҳали ер юзидан йўқолган эмас. Биз энди барча масалага соғлом кўз, соғлом назар билан қарайлик. Юртимизнинг жонқуяр фуқароси бўлиб, келажакимизга боқайлик. Аввало, ерларимизнинг тозаллиги ва дахлсизлиги, барча ноёб сув ҳавзаларимизнинг ҳарбий мақомда мунтазам ва қаттиқ қўриқлиниши, сахро, чўлларимиз, тоғларимиз, конларимизга ёт балолар, ёт оёқлар оралмаслиги учун тадбиркор бўлишимиз керак. Ахлоқимиз, хулқимизнинг ҳеч қандай шароитда ифлосланмаслиги, булганмаслиги, айнимаслиги ва ҳар қандай қийин шароитда ҳам ҳамият, виждон, имон бизга ёр бўлмоғи учун курашмоғимиз лозим бўлади. Шунда юртимиз, жамики юртоқларимиз эмин-эркин яшаб, мустақам замин куради.

Албатта, турли-туман шароитлардаги оилалар, хонадонлар атрофимизни қуршаган: аъзолари кўп, аъзолари кам. Ёруғ дунёга чақалоқлари келаятган, касал боқаятган, кексаларни авайлаётган, ёрдамга муҳтож оилалар оз эмас. Шу турли-туман, осон бўлмаган жараёнларда онгли, тушунчали, иродали, тартиб-интизомли оилалар, хонадонлар, уларнинг аъзолари, албатта, ютади. Ақл-заковатимиз машаққатларни, турли фожиаларни ениб ўтишга қодир. Бундай оилалар, хонадонларда катталар кичикларга мададор, кичиклар эса катталарга илҳомкор, ҳамма бир-бирини қўллаган. Сенинг ёнингда сени тушундирган, меҳр кўрсатадиган жонқуярларнинг борлигини ҳис қилиб турсанг, қандай яхши! Одамнинг қанчалар яшагиси келади! Эртага, албатта, яхши кунлар келади, деб ишонсан, ўзинг ҳам шундай кунларни яқинлаштириш учун куч-ғайратингни аямасан. Албатта, ҳар дамда Аллоҳ мададкор. Ота-она қарвонбоши. Улар парвардигор каби оилада муҳит яратаяди, инсонни инсон қилади, фарзандларининг пешонасини силаб, келажакка узатади. Фарзандлар эса худди кўк япроқ каби меҳрга, нурга, зиёга, эътиботга муҳтож. Ҳукумат ҳеч кимни унутгани йўқ. Ҳеч кимни назардан қочиргани йўқ. Буни бутун халқ сезиб турибди. Халқ ўз раҳбарларига, ўз додхўшларига ишонади. Уларга эргашади, изларидан боришни истайди. Бу эса халқ учун ҳам, ҳукумат учун ҳам чексиз куч-қувват манбаидир.

Ақлу ҳўшимиз жойида бўла туриб, ўзимизни дунёга соғлом миллат тарзида танита туриб, ушбу умуммиллий вазифаларни адо этиш қўлимиздан келмайдими? Келади.

Бундай кейинги барча соғлом ҳаёт кечирish манфаатларимиз шуларнинг барчасини аъло даражада бажаришимизга боғлиқ. Худо бизни ўзимизга эга қилсин. Сузимнинг охирида бугун ҳаммамиз тақдорлаётган, ширимизга айланган, ҳаммамиз учун зарур бўлган даъватни тақдорламоқчиман: Уйда қолинг! Уйда қолинг!

# ХОТИРЖАМЛИК ЛОЗИМ, АММО ОГОҲЛИКНИ УНУТМАНГ!

Гулчирай ИСОҚОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Коронавирус инфекциясининг дунё бўйлаб шиддат билан тарқалаётгани мамлакатимизда янада ҳушёрликни оширишга даъват этмоқда. Сирдарё вилояти аҳолиси орасида коронавирус инфекцияси қайд этилмади. Аммо 16 мартдан буён тиббий кузатувга олинган фуқаролар сони 7 844 нафарни, тиббий кузатувдан чиқарилганлар сони 2 359 нафарни, тиббий кузатувда қолганлар сони эса 5 127 нафарни ташкил этиб, шундан 98 нафари шифохонада, 1 512 нафари махсус муассасаларда, 748 нафари уй кузатувига олинган.



Вилоятда Президентимизнинг 2020 йил 29 январдаги “Ўзбекистон Республикасида коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши ҳамда 19 март кунги коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масаласига бағишланган видеоселектор йиғилишида қўрилган масалалар ижросини таъминлаш мақсадида тегишли эпидемиологик чора-тадбирлар олиб борилмоқда.

Вилоят ҳудудига COVID-19 инфекцияси кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида вилоят фавуқлода вазиятлар бошқармасида тегишли муассасалар мутахассисларидан иборат пандемияга қарши курашиш штаби ташкил этилди.

Бугунги кунда вилоятга хорижий давлатлар ва Тошкент шаҳридан келган 1 512 нафар фуқаро тиббий кузатувга олинган. Шу кунгача тиббий кузатувдаги жами 46 нафар фуқародан вирусология лабораторияларига намуналар олинди. Қувонарлиси, ушбу юборилган намуналарда коронавирус касаллиги аниқланмади.

— Қадимдан кўп оғир синовларни ва яхши-ёмон кунларни бошидан кечирган халқимиз ҳозирги ҳолатда ҳаммасини тўғри тушуниб, онгли равишда ҳеч қандай ваҳимга берилмаслиги лозим, — дейди Сирдарё вилояти ҳокими Ғофуржон Мирзаев. — Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам халқимиз ҳеч қандай ҳавотир ва ваҳимга берилмасдан, аксинча, бир тану бир жон бўлиб, хотиржамлик билан иш тутиши, белгиланган гигиеник талабларни ўз вақтида бажариб туришлари аини пайтдаги энг тўғри йўл эканини алоҳида таъкидлади. Шахсан ўзим аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, мўътадил қафийани таъминлаш, одамларни огоҳликка даъват этишда масъуллигини ҳис этиб, жойлардаги лаборатория-диагностика, тиббий восита ва жиҳозлар билан таъминланганлик даражаси билан боғлиқ муаммоларни чуқур ўрганиши муҳим вазифам, деб биламан. Шунингдек, дахлдор масъул ходимлар ҳамроҳлигида вилоятимизнинг қўшни мамлакатлар билан чегарадош бўлган ҳудудларида божхона постларидаги кунлик назорат билан боғлиқ вазиятдан ҳам хабардор бўлиб турибмиз.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан коронавирус инфекциясига гумон қилинганларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун маслаҳат гуруҳлари ташкил этилган. Уларга малакали тез тиббий ёрдам, эпидемиолог, инфекционист, реаниматолог, вирусолог, дезинфекционист шифокорлар бириктирилган.

Вилоятнинг Қозоғистон билан чегарадош бўлган Сирдарё туманидаги “Сирдарё” ва “Малик”, “Оқолтин”, шунингдек, Тожикистон билан чегарадош Ховос туманида жойлашган “Ховособод” божхона постларида санитария назорати пунктлари ташкил этилган.

Вилоят, туман ва шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик марказларида 2 393 килограмм кальций гипохлориди, 160 килограмм АБК хлор актив дезвоситаси, 152 та махсус кийим-бош, 35 дона зарарсизлантириш воситаси, 5000 дона ниқоб захираси яратилди. Вилоят божхона постларидаги санитария назорати пунктларига вилоятга кириб келаятган фуқаролар ҳароратини ўлчаш учун пирометрлар берилди. Сирдарё туманидаги “Сирдарё” санитария назорат постига тепло-визор ўрнатилди.

Сирдарёдаги деҳқон бозорларида, автошоҳбечакларда, 265 та умумтаълим мактабида ва 158 та мактабгача таълим ташкилотига, Гулистон давлат университетига, ташкилотлар ва муассасаларда коронавирус инфекциясига қарши дезинфекция ишлари олиб борилди ва бу тадбирлар давом эттирилмоқда.

Оғир кунда бир-бирига яхшилик қилиш, ёрдам қўлини узатиш ўзбек халқига азалий қадрият бўлиб келган. Мазкур шароитда вилоятда юртоқларимизга қўлдан келганча саховат қилаётган фидойи инсонлар кўплаб топилади.

Гулчехра Жонжигитова 2004 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб келади. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келаятган Гулчехра опа жойларда халқимизга керакли бўлган махсулотларни текин тарқатади.

Анвар Раупов эса хусусий тадбиркор. Халқ учун ҳолис ёрдам қўлини чўзаётган бу инсон санитария-гигиена ҳамда истеъмол учун зарур бўлган махсулотларни одамларга бепул улашмоқда.

Бундай саховатпеша ва саботалаб одамлар сони кундан-кунга кўпайиб бораётган бир пайтда кексалар ҳам доимо дуодадир.

Шу кунда юрта ёпирилган коронавирус офатидан қутулиш учун ҳар бир фуқаро нафарат ўзи, Балки ён-атрофидагилар, аввало, оила аъзолари саломатлигига ҳам масъул эканини асло унутмаслиги лозим.

**Нима, мен уйда зерикар эканманми? Мен зерикиб ўтирсам, ким ўқийди жавонларимдаги нолакор Эврипидларни, Аристофанларни, Форобийларни, Хоразмийларни? Ким ўқийди менинг жондан азиз замондошларим Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукр Холмирзаевларни? Ким ўқийди унда зўр адибларим, академикларим Неъматулла Мўминов, Азиз Қаюмов, Аҳмадали Асқаров, Ашраф Аҳмедов, Наим Каримовларни?**

енишга уринмоқда.

Ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Президент ва ҳукуватимиз жаҳон миқёсидаги бундай оғир вазиятда энг илғор мамлакатларга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ғайрат, шижоаткорлик, билимдонлик, зудлик билан эпидемияга қарши зарур чоралар кўрмоқда. Эпидемиянинг тарқалиш йўллари мустақам тўсиқ кўймоқда. Узоқ эртани кўзлаб, ҳисобли илмий, оқил режа асосида амалий ишларни катта миқёсда олиб бормоқда. Халқимиз эса кўрсатилаётган ана шу ғамхўрлик, меҳр-оқибатга яраша бағирдошлик анъаналари, удумларига риоя этипти. Ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқ, ҳар бир шаҳар, ҳар бир туманда том маънода ҳозиржавоблик қилмоқда.

Барчамиз сидқидилдан аҳволни тушунган ҳолда уйда ўтирган бўлсак ҳам бутун сезгиларимиз, жонимиз, ақлу ҳўларимиз баробарида бу улғўвор ва зарур саъй-ҳаракатларга бардам қўшилмоқдамиз. Элу юрт омонлиги йўлида ҳаммамиз доим жону дилдан биригамиз. Юртоқларим каби мен ҳам уйда ўтириб, ўзимни бошқа пайтларга қараганда ҳар томондан қаттиқ йиғиштириб олишим кераклигини, айниқса, теран сезаман. Аввал бошдан мен кўп уйда ўтириб, ҳеч қачон зериккан одам эмасман. Олдимда ҳаммиша менга тикилиб, мени тамомила ўзига ром қилиб тонгдай оппоқ бир варақ қоғоз туради. Фикринг борми, ёз, дейди. Айтар сўзинг бўлса, юрагингни халқингга оч, дейди. Ён-атрофларимда эса бутун дунёдан келган неча юзлаб, балки неча минглаб китоблар — елкадошларим менга ҳар дамда мунтазир. Қўлингга ол, дейди, менинг ҳикматларимни ўқи, ахир сен ҳам ҳикматназир халқнинг фарзандисан-ку, дейди. Хоҳласам, Аҳвож — Бехбудий ҳазратларнинг китобларини қўлимга оламан. Янги аср Туркистонда миллий мактаблар қуриш устидаги унинг нола-фарёдларига қўшилиб, тарихнинг аёвсиз воқелиги олдида япроқ каби титраб тураман. Нега шундай? Нега шундай оғизлик дея Чўлпон, Қодирий, Фитрат ўртана-ўртана ечолмаган оғрик

чага ағдараман деб, 50 йил илгари чиният қилган эдим. 50 йил Фёдор Достоевскийнинг инсон изтиробларига тўла оламлариде ўртаниб, тентираб юрдим. 50 йил ичида ниҳоят ёруғ кун келди. Ўзбек китобхонларининг китоб тоқчалари дунёнинг яна бир ҳайратомуз, буюк асар билан бойиди.

Нима, мен уйда зерикар эканманми? Мен зерикиб ўтирсам, ким ўқийди жавонларимдаги нолакор Эврипидларни, Аристофанларни, Форобийларни, Хоразмийларни? Ким ўқийди менинг жондан азиз замондошларим Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Шукр Холмирзаевларни? Ким ўқийди унда зўр адибларим, академикларим Неъматулла Мўминов, Азиз Қаюмов, Аҳмадали Асқаров, Ашраф Аҳмедов, Наим Каримовларни?

Мен уйда зерикаманми? Билмас эканманми қилар ишимни? Ахир биламан-ку, ҳар қандай одамни ҳеч қачон зериктирмайдиган учта соҳа бор: булар — ҳунар, санъат, илм-фан. Бир йигитга қирқ ҳунар оз. Бу шундай соҳаларки, ҳар бири ҳар қандай ўзига муҳаббатли одамни олижаноб, зариф, обрўли қилишга қодир. Уйда ўтирган барча замондошларимга ҳава-сим келади. Улар ноёб бир дамлар ичида ҳозир, шу дамларда бир ёки бир неча тилларни ўрганиб олишлари мумкин. Ахборотлаштириш сирлари, техника ва кибернетика тилсимларини, машинасозлик тафаккурини, автоматлаштириш ва ҳисоблаш бошқарув техникаларини. Бугунги замоннинг юзлаб бошқа соҳалари ичига кириб боришлари, шу соҳаларнинг моҳир, ғайратли мутахассисларига айланари мумкин.

Мен сиздан сўрайман, шунча ажойиб уфқлар олдингизда туриб, уйда яна зерикши мумкинми? Умрида биринчи марта ўз вақтининг эгаси бўлаётганидан қувонмаслик мумкинми? Аксинча, шу ноёб вақтлардан фойдаланиб, қилни қирқ ёрайдиган фозил (фозила) инсонга айланмайдими? Шундай инсон бўлишни хоҳлаймизми?

## ЭММАНУЭЛ АЛЭН КАБАНИС, ПАРИЖ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ФАҲРИЙ ПРЕЗИДЕНТИ:

# “ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА САЛОМАТЛИК ВА РАВНАҚ ТИЛАЙМАН”

Бошланиш 1-бетда

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатмоқдаман. Утган йилнинг декабрь ойида юртингизда бўлиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари билан учрашдим ва улар мени тизимдаги ислохотлар билан таништирди.

Айтишим мумкинки, Ўзбекистон раҳбарияти пандемиянинг мамлакат фуқаролари ҳаётига салбий таъсирини камайтириш бўйича қатъий чораларни кўрмоқда. Инфекция тарқалишининг олдини олиш ва беморларни фаол даволаш учун барча куч ва воситалар сафарбар этилган.

Ўзбекистонда 10 минг ўринли карантин зонасини фойдаланишга топшириш ишлари рекорд даражада, қисқа муддатларда яқунланди. Фуқаролар соғлигини сақлаш ва беморларни даволашда муҳим

бўлган юқумли касалликлар шифохоналарини қуриш ишлари жадал давом эттириляётгани яна бир муҳим жиҳат эканини таъкидлашни истардим.

Ўзбекистоннинг 300 мингта тезкор тест тизими ва 500 та механик шамоллатиш мосламасини харид қилиши, аҳоли пунктларида кўчма лабораториялар ташкил этилиши ва малака ошириш учун чет эллик мутахассислар жалб қилиниши, шунингдек, кунлик ишлаб чиқарилаётган тиббий ниқоблар ҳажмининг 5 миллион донага етказилиши муаммоларни ҳал қилишда аниқ ва тезкор ёндашувлар мавжудлигини кўрсатди. Афсуски, бугун асарият давлатлар ана шундай хавфга ўз вақтида жавоб қайтара олишмаяпти. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбарининг фуқаролар хавфсизлиги ва соғлигини таъминлаш масалаларига юқори даражада эътибор ва масъулият билан ёндашаётганини яна бир бор тасдиқлайди.

Ўзбекистонда касалликка қарши курашиш учун мутахассислар, зарур фондлар, керакли тиббий

буюмларни ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи корхоналар етарли.

**Бугунги кунда дунёда мавжуд вазиятни таҳлил қилиш асосида соғлиқни сақлаш тизимини янгилашда давом этиш ва ислоҳ қилиш Ўзбекистонни Марказий Осиёда ўзига хос “тиббий марказ”га айлантиришга имкон беради.**

Ўзбекистон бой тарихга эга. Сиз буюк тиббиёт мутафаккири ва олим Абу Али ибн Сино авлодлариниз, унинг исми жаҳон тиббиёт тарихига олтин харфлар билан битилган. Ўзбек халқига бўлган самимий ҳурматини яна бир бор изҳор қилган ҳолда сизларга сийҳат-саломатлик, фаровонлик тилаб қоламан. Айни кунларда эса Ўзбекистон раҳбариятининг коронавирус тарқалишига қарши курашдаги фаол саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қақриб қоламан.

Мулоҳаза



# ҚОНУНЧИЛИК СОЦИОЛОГИЯСИ

## МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ҲАЁТИЙ СИНОВДАН ЎТКАЗИШИ КЕРАК

Ҳожимурод ОДИЛҚОРИЕВ,  
Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудири,  
юридик фанлар доктори, профессор

Ҳозирги инновацион тараққиётга ўтиш палласи давлатнинг қонун ижодкорлиги фаолиятига, умуман, қонунчилик сиёсати мазмунига янада юқори талаблар қўймоқда. Айни пайтда қонун ижодкорлигини давр руҳи ва эҳтиёжларига мос ҳолда такомиллаштиришни таъминлаш билан бирга, қонунчилик социологиясини ривожлантириш ҳам долзарб масалага айланди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилги Мурожаатномасида ҳам қонун ижроси ва самарадорлиги хусусида сўз юритилиб, "...Хуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатмайдиган, ижро механизмларига эга бўлмаган, таъбир жоиз бўлса, "ўлик" қонунлар кимга керак?", дея таъкидланган эди.

Шу ўринда савол туғилади: бугун Ўзбекистонда 1160 дан зиёд амалдаги (ҳаракатдаги) қонун мавжуд бўлса, уларнинг қанчаси у ёки бу тарзда социологик тадқиқ ҳамда таҳлил этилди? Уларнинг ижтимоий ҳаётдаги самарасини қай даражада аниқ баҳолай оламиз?!

Албатта, қабул қилинаётган ҳар бир қонун ва қонуности ҳужжат аҳоли манфаати ва ҳуқуқларини кўзлаган ҳолда амалиётга татбиқ этилади. Қонунлар қабул қилинаверида. Аммо уларнинг самарали ишлаётгани, натижадорлиги ҳамда парламентнинг уларни қабул қилишидан кўзланган мақсадларга эришилаётганини аниқлайдиган қонунчилик социологияси ханузгача кўнгилдагидек ривожланмаганини тан олиш керак.

### СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРГА ЭҲТИЁЖ

"Таълим тўғрисида"ги қонунни олайлик. Агар сўнги йилги йил мобайнида мазкур ҳужжатнинг қандай самара бергани социологик ўрганишлар асосида аниқлангани эди, бугун академик лицей ва коллежлар тизими таълим-тарбия борасида ўзини оқламади, деган хулосага келмасдик. Бинобарин, айнан шу туфайли юртимизда 11 йиллик ўрта таълим тизими тикланмади? Утган даврда мактабларда фаолият юритаётган 450 минг нафардан зиёд, олий таълим тизимидаги 220 минг нафардан ортиқ, шунингдек, коллежларда ишлаган 100 минг нафардан кўпроқ педагог ўртасида "Таълим тўғрисида"ги қонун қандай самара бераётгани хусусида социологик тадқиқотлар ўтказилганида салбий кўрсаткичларнинг олди олинган бўлармиди...

Йилги йил давомида таълим соҳасидаги ислохотлар зўр самара бермоқда, деб бонг урдик. Юртимизда шу даврда икки юзга яқин лицей ва 1600 дан зиёд коллеж қурилди. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар билан таъминлаш ва бошқа зарур мақсадлар учун катта маблағ сарфланди. Халқ тўлаган солиқлардан жамғарилган

бу маблағлар энди сувга оқиб кетди? Шунингдек, бошқа қўллаб қўлланганимиз нега "ўлик" ҳужжатлар тоифасига ўтиб қолмоқда? Бунга қандай омиллар таъсир этмоқда? Шу каби саволларга фақат чуқур илмий асосланган социологик тадқиқотлар воситида ҳақиқий жавоб топишимиз мумкин. Шу боис, қонунларимиз ижро этилишининг социологик механизмига эътибор қаратиш ўта муҳим ва зарур.

### ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТДАН ЧУҚУР ТАҲЛИЛГАЧА

Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлашнинг социологик механизми мураккаб ижтимоий-ҳаётий ҳодиса бўлиб, унинг ўзига хос иш занжири бор.

Бунда, аввало, Конституция ва қонунларнинг қабул қилинишидан кўзланган мақсад ҳуқуқ субъектларига, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига етказилади. Кейин қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, қўллаш жараёнининг барча босқичларида намоён бўлувчи омиллар таҳлил этилиб, уларнинг таъсир кучи, салмоқи ўрганилади ва чегаралари баҳоланади.

Ана ундан кейин таҳлил бошланади: қонунлар мазмуни, ундаги ҳуқуқий норма ва талабларга ҳуқуқ субъектлари томонидан қай даражада риоя этилаётгани, уларни бажариш йўлидаги хатти-ҳаракатлар ва фаолият обдон ўрганилади. Қонун таъсирида

**Қонунларни қўллаш жараёнининг барча босқичлари бўйича ижтимоий-амалий ва ҳуқуқий ахборот жамланган, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниш ҳолати, даражаси ва мазмунидаги ўзгаришлар динамикасини аниқлаш имконияти пайдо бўлади.**

субъектлар ҳулқ-атворидаги ўзгаришлар (ижобий ёки салбий) тенденцияси ва динамикаси аниқланган эса муносиб баҳоланади.

Қонунларни қўллаш жараёнининг барча босқичлари бўйича ижтимоий-амалий ва ҳуқуқий ахборот жамланган, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниш ҳолати, даражаси ва мазмунидаги ўзгаришлар динамикасини аниқлаш имконияти пайдо бўлади. Бу эса, ўз навбатида, эришилиши кутилган яқин натижа (оқибат, вазият, ҳуқуқий ҳолат)ни прогноزلашга замин яратади.

Афсуски, ҳозирга қадар мамлакатимизда қонунлар ижроси бўйича умумий миллий социологик тадқиқотлар деярли ўтказилмагани ("Ижтимоий фикр" маркази бу вазифани ҳал этолмайди), бу борада мутахассислар тайёрлайдиган муассаса ва марказлар фаолиятининг хануз йўлга қўйилмагани, қонунчилик социологиясининг фан, таълим сифатида ривожланмагани қонунчилик соҳасида социологик ўрганиш ва тадқиқотлар ўтказадиган институт ёки марказ ташкил этилиши ҳамда махсус ҳуқуқий билим ва маълумотга эга социолог мутахассислар корпуси яратилишини тақозо қилмоқда.

### ИЖТМОИЙ МУҲИТНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРАТИ

Фикримизча, мазкур соҳани ривожлантириш учун унинг долзарб ва истиқболли йўналиш ҳамда мавзунини хусусида тадқиқотлар ўтказилиши керак.

Аввало, қонунни қўллаш вақтида ижтимоий муҳитни ўрганиш зарур. Бу қонунни амалга оширишга қай даражада эҳтиёж ва зарурат мавжудлигини аниқлаш имконини беради.

Кейин қонун қўлланганга бўлган ҳуқуқий тартибга солиш ҳолатини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бу қонун қўлланиши натижасида эришилаётган ҳуқуқий тартибга солиш ҳолати ва даражасини (натижасини) баҳолашга замин яратади.

Қолаверса, қўлланаётган қонун ва ҳуқуқий меъёрларнинг бошқа ижтимоий регуляторлар (ахлоқ қоидалари, урф-одат, жамоат бирлашмалари нормалари, диний меъёрлар, маданият, эстетика нормалари ва маънавий мезонлар) билан ўзаро алоқаси ҳамда таъсири, ҳаракат йўналиши даражасини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қонунларни қўллаш жараёнига (унинг барча босқичларида) таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар, қонунларнинг яқини натижага эришиш даражасини аниқлаб, унинг самарадорлигини ўрганиш эса истиқболда қонунларнинг халқчил ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

Шундай қилиб, қонунни амалга оширишнинг юридик, ижтимоий, руҳий-маънавий ва социологик механизмларининг комплекс тарздаги изчил ва фаол ҳаракатланишига эришиш мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда катта самара беради.

коронавируснинг аҳоли орасида кескин ошишига йўл қўймаслик мақсадида тиббиёт ниқоблари ва халатларини (комбинезонлар) ишлаб чиқаришни кунга 5 миллион донга етказиш бўйича топшириқ берилди. Бу, албатта, "Ўзтўқимачилик санъати" уюшмаси зиммасига масъулиятли вазифаларни юклади. Республика ҳудудида жойлашган тўқимачилик корхоналари фаолияти ўрганилиб, мавжуд қувватларни ошириш бўйича зарур чоралар кўрилди.

Уюшма ахборот хизматидан олинган маълумотда қайд этилишича, айни пайтда шахсий ҳимоя воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 195 та бўлиб, март ойининг бошидагига қараганда 9,3 баробар ошган. Ниқоблар ишлаб чиқаришнинг кунлик ҳажми 2 миллион 640 минг донани ташкил этапти. Бунда Тошкент вилояти (404 минг дон), Тошкент шаҳри (283 минг дон) ва Қашқадарё вилояти (232 минг дон) ишлаб чиқарувчиларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Тиббиёт халатлари (комбинезонлар)ни тайёрлаш билан 24 та корхона шуғулланипти, уларнинг кунлик иш унуми 9 минг донани ва тиббиёт докалари ишлаб чиқариш 398 минг погон метрни ташкил этапти.

Ниқоб ишлаб чиқаришни тез орада 5 миллион донга етказиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Қайд этиш керакки, корхоналар сони ва уларнинг иш ҳажмларига доир ушбу маълумотлар уюшма томонидан мониторинг ўрнатилган қувватларга тааллуқли бўлиб, реал ҳолатга оид рақамлардан фарқланиши мумкин. Зеро, жойларда уюшмага аъзо бўлмаган тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам тиббий ниқоблар тайёрланмоқда. Уларга ҳам кейинги пайтда берилган имтиёз ва энгилликлар қўл келяпти.

Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Фазалидин Умаровнинг айтишича, мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, тиббий ниқоблар фақат дорихоналарда эмас, бошқа савдо шохобчаларида ҳам сотилмоқда. Улар қўшимча қиймат солиғидан озод этилган.

Яна бир энгиллик шундаки, 2020 йил 20 мартдан мамлакатимизда тиббиёт ниқобларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сотиш учун лицензия талаб этилмайди ва давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

### Давлат хизматлари марказида



# МАСЪУЛИЯТ БОР ЖОЙДА ИШОНЧ БЎЛАДИ

Лутфулла СУВОНОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Самарқанд вилоятидаги давлат хизматлари марказлари томонидан энг чекка ҳудудлар, олис маҳаллаларда зарур ҳолларда уйма-уй юриб, қирқ минг нафарга яқин фуқарога сайёр тартибда давлат хизматлари кўрсатилди. Асосий эътибор ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бор фуқароларга қаратилмоқда.

Қўшрабтодаги "Зармитан", "Заркент" ва "Бойтўп" маҳаллалари туман марказидан 25 километр узоқликда жойлашган. Бу ҳудудда ўн мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилояти бошқармаси масъул ходимлари ҳамда Қўшрабто тумани давлат хизматлари маркази мутахассислари томонидан ушбу манзилларда ўтказилган сайёр тадбирда 200 га яқин фуқарога 10 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилди.

— Тадбирга синглим билан келдим, — дейди "Заркент" маҳалласида истиқомат қилувчи Лола Шодмонова. — Марказ ходимлари томонидан муносабатимиз тез фурсатда ижобий ҳал этиб берилди. Бундай сайёр тадбирларнинг ташкил этилиши фуқароларга энгиллик яратиши билан бирга уларнинг вақти ва маблағи тежаланиши таъминлайди.

Аҳолига янада қўлайликлар яратиш ва ортиқча сарсонгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида Нуробод тумани марказидан жуда олисда жойлашган Саҳоба қишлоғида ва Қўшрабто тумани марказидан ўнлаб километр узоқликдаги "Жомбулоқ" маҳалласида давлат хизматлари марказлари филиаллари ташкил этилди. Бу филиалларда ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари фуқаролар турли масалалар юзасидан қабул қилинмоқда.

— Қишлоғимиз туман марказидан 80 километр узоқликда жойлашган, — дейди Жомбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Эрназар Умрзоков. — Қишлоқ аҳолиси давлат хизматларидан фойдаланиш учун шунча олис масофани босиб ўтишига тўри келарди. Айниқса, ёгингарчилик кунларида бу бизга катта муаммо туғдираётган эди. Бунда ортиқча вақт ҳамда харажат кетарди. Мана, маҳалламизда Давлат хизматлари маркази филиали ташкил этилгани узоғимизни яқин, оғиримизни энгил қилди.

Таъкидлаш жоизки, соҳада ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, айрим давлат хизматлари марказлари бинолари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бу ерда ташир буюрувчилар учун кутиб жойлари, қариялар ва ногиронлар учун махсус ўриндиқлар, она ва бола хоналари каби қўшимча қўлайликлар яратилмагани аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун жойлардаги давлат хизматлари марказлари бинолари маҳаллий бюджет маблағлари ва давлат-хусусий шериклик шартлари асосида намунавий лойиҳалар бўйича қурилмоқда. Энг асосийси, ташир буюрувчиларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш учун энг қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Утган йили тўртта туманда, жорий йилда Иштихон туманида ана шундай янги марказ бинолари фойдаланишга топширилди.

— Бу бинолар аънавий архитектура ва миллий меъморий ечим, замонавий дизайн талаблари асосида барпо этилди, — дейди Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилояти бошқармаси масъул ходими Акмал Туробов. — Биноларга кираришда ходимлар фуқаролар мурожаатини ўрганиб, тегишли ойналарга йўналтиради. Кўтиш залларидаги кутубхоналар мурожаатчиларнинг вақтинчи мазмуни ўтишини таъминлайди. Шунингдек, электрон навбат, инфокиоск, болалар майдончаси ташкил этилган. Ҳар бир ташир буюрувчи инфолэнд орқали кўрсатилган барча хизматлар ҳақида тўлиқ маълумот олиши ёки ундаги ахборотларни мобил телефонига юкловчи мумкин.

Бугунги кунда дуч келинаётган асосий муаммолардан бири давлат органлари томонидан хизматлар кўрсатиш мuddатларининг бузиллишидир. 2019 йилда бошқарма масъул ходимлари томонидан ўтказилган ўрганишларда давлат хизматлари кўрсатувчи ваколатли органлар ва бошқа ташкилотлар томонидан 23 мингдан ортиқ қонунбузарликка йўл қўйилгани аниқланди. Айниқса, ортиқча ҳужжат талаб қилиш, мурожаатни кўриб чиқиш мuddатларини бузиш (чўзиш) кабилар кўп учрапти.

Шунингдек, давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилмаётган хизматлар бўйича идоралардор электрон ахборот алмашинувини таъминлашга доир айрим муаммолар ҳамон сақланиб турибди. Масалан, кадастр, солиқ идоралари билан бугунги кунгача электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйилмаган.

Бунинг асосий сабаби вазирлик ва идораларнинг электрон ҳужжат алмашинуви тизимига ўз вақтида уланилмагани, давлат хизматини кўрсатиш учун масъул бўлган ходимларнинг кўнимсизлиги, давлат хизматини кўрсатишга иккинчи даражали вазифа сифатида қараётганидир.

Идоралар кесимида таҳлил қилганда, қонун бузилиши ҳолатларининг асосий қисми маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, архитектура ва қурилиш, газ, электр тармоқлари корхоналари, мактабгача таълим, кадастр идоралари улушига тўғри келаётганини кўриш мумкин.

2019 йил ҳолатига кўра, қонунбузарликлар бўйича ваколатли органларнинг 238 нафар раҳбари ва масъул ходими маъмурий жавобгарликка тортилди. Киритилган 40 та тақдимнома натижасида 43 нафар ходим интизомий жавобгарликка тортилиб, ваколатли органларга 225 та расмий оғохлантириш киритилди.

Албатта, айбдор жазосини олади. Бироқ бир жиҳат кишини кўпроқ ҳавотирга солади. Давлат хизматлари кўрсатишда йўл қўйилмаётган биргина хато, қонун бузилиши ҳам аҳолининг ушбу тизимга ишончи йўқолишига сабаб бўлишини айрим ваколатли органлар ҳалигача жиддий тушуниб етмайпти.

### Талаб ва таклиф

# ҲАР КУНИ 5 МИЛЛИОН ДОНА

тез орада мамлакатимизда тиббий ниқоблар ишлаб чиқариш кунлик ҳажми ана шу даражага етади

Абдурауф ҚОҲЖОВОВ

Талаб ва таклиф — бозор итисодиётининг асосий тамойили. Харидорнинг бозордаги ҳаракати талаб, сотувчиники эса таклиф шаклида намоён бўлади. Дунёда коронавируснинг кенг тарқалиши ва мамлакатимизга ҳам ташқаридан кириб келиши билан унга қарши воситалар қатори тиббий ниқобга ҳам эҳтиёж кескин ошиб кетди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг бир ой олдинги ҳисоб-китобларида коронавирусга қарши курашиш учун ҳар ой 90 миллион дон тиббий ниқоб кераклиги билдирилган эди. Лекин "тождор" вирус дунёнинг барча пучмоқларини эгаллаётгани бу миқдорнинг ҳам геометрик равишда ортиб боришига олиб келмоқда.



Глобал режалар яхши, лекин уйдан бошлаган маъқул, деган ибора бор. Шу нуқтаи назардан олганда, тиббий ниқобга глобал талаб ортиши баробарида бутун дунёда, жумладан, юртимизда ҳам унинг нархи бирданига кўтарилиб кетган, етишмовчилик юз берган ҳолатлар бўлди. Ўз вақтида қўриқилган амалий чоралар туфайли мазкур маҳсулот тақчиллигига барҳам берилляпти. Бозор тамойилига биноан унинг нархи ҳам тушиб бормоқда.

Жорий йилнинг 27 март кунини давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида



Тил — миллий ғуруримиз

# ТИЛИМИЗНИ АРДОҚЛАШ ВА УНИНГ ҲАР СОҲАДА КЕНГ ҚўЛЛАНИШИГА ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

**Маъмура ЗОХИДОВА,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси ўқув-методика ва ҳарбий-ватанпарварлик бўлими бошлиғи

Дунё аҳолиси 8 миллиардга яқинлашиб бормоқда. Глобаллашув жараёнида не-не миллатларнинг ўзлиги, миллий қадриятлари, тили, урфлари йўқолиб, бошқа йирик миллатлар ичига сингиб бораётган. Дафъатан хаёлга бир ўй келади: асли яралишда ҳамма миллат ҳам бирдек кенгайиб, кўпайиб бориши лозим бўлгандир-у, босқинлар, қирғинлар, тазийқлар, бошқа талафотлар таъсирида миллатларнинг кўпи йўқолиб кетгандир, одамлар ота-боболари кимлигини-да билмаслар, унутиб қўйгандирлар. Асл аждодларидан узоклашиб кетган миллатлар жуда ҳам кўпдир.

Атамашунослик кўмитасининг ҳаракатлари, бугунги ҳукуматимиз томонидан тилга берилган эътибор натижасида анчагина тозаланиб қолди, деб ўйлайман. Туркияда Кўкқондан бориб, ўрнашиб қолган ҳамюртимиз бор экан. Бизни жуда яхши кутиб олиб, ўзбекча меҳмон қилди. Уйларига фақат ўзбекча гапиришга ҳаракат қиларкан. Лекин турк тилини ҳам яхши биларкан. Дўконларни айландик. Дўкондор сотувчилар ўзбекча гапирсам ҳам ҳамма сўзларимга тушунади, ҳамма айтганимга жавоб беради. Фақат орада бир-икки сўзларни қайта сўрайди. Эътибор берсам, улар мени қачонки русча ё бегона бирор сўзни аралаштириб гапирганимда тушунмай қолаётган экан. "Детский кийим борми?" деб сўрадим. "Нима у?" деб сўради ҳатто мезобонимнинг ўзи. Улар тилимизни йўқотиб қўймаслик учун китобларни тўхтовсиз ўқишар, болаларига ҳам фақат она тилида гапиришга интиларкан. Яна бир гап бир йўловчидан "Самолётимиз нечада учаркан?" деб сўраганимда, ҳайрон бўлиб бирпас турди, кейин "Ҳа, учоқми?" деди. Рус тилини ҳам билмайдими, деган ўйда бу сўзларим эриш туюлиши мумкин. Лекин бу — бор гап.

Ҳиндистонда 170 га яқин тил бор, лекин ҳамма давлат тилини, яъни ҳинд тилини билиши шартлиги белгилаб қўйилган. Ҳинд тилида гаплашадиганлар эса бошқа тилларни билишга мажбур эмас.

Ер юзида ўзбек тилида 50 миллионга яқин одам гаплашади. Бу билан тилимиз дунёда гаплашувчилари кўпчиликини ташкил этадиган 40 та тилдан биридир. Айримларимиз эса бундан ғурурланиш ўрнига тилимиз учун жон куйдирадиганларни алланимачиликларда айблаймиз.

Расмий ишчи тилларнигина тан олиб, шу тиллар тил деб ҳисоблайдиган кишилар ҳалқимиз орасида ҳам йўқ эмас. Бироқ аксарият миллатдошларимиз тилимиз тақдирини сиздиқилдандан истифода. Бу уларнинг тил билмаганларидан эмас, ўз миллатининг қиёфасига пугур етишини истамганидандир.

Айни шундай замонда бизда ниҳоятда чуқур ўйланган режалар асосида давлат тили мавқеини муостаҳкамлаш, уни амалда кенг миқёсда қўллаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ну-

муносабати кескин ўзгарди — ҳар бир ташкилот раҳбарининг давлат тилида иш юритиш бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Шу ўринда ташкилотлар раҳбарларининг давлат тилида иш юритиш бўйича маслаҳатчиси зиммасидаги вазифаларнинг қанчалик муҳим эканини таъкидлаш жоиздир. Маслаҳатчи, аввало, раҳбарнинг ўз қўл остидагиларга муомала-муносабати ҳаммаша давлат тилида амалга оширилишига эътиборли ва масъул бўлади. Агар раҳбар ўз йўғилишларида: "Между прочим, мен унга шикарний имконият қилиб берганман. Менга подножка бермасин", деб турса, бу ташкилотда ҳеч маҳал давлат тилида иш юритиб бўлмайди. Маслаҳатчи, биринчи навбатда, раҳбарнинг маърузалари, мажлисларини тартибга солади. Иш ҳужжатларидаги ҳар бир сўзнинг имкон қадар ўзбекча шаклини қўллашга ҳаракат қилади. Сўзлар ҳалқимиз вақиллари талаффузи учун ноқулайлик туғдирмаслигига эътибор кўрсатади. Иш юритиш ҳужжатларидаги мавжуд хилма-хилликни бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшади. Чунки айни вақтда мамлакатимизда ариза, тилхат, тушунтириш хати, далолатнома, маълумотнома қабилининг бир неча хил шаклларида фойдаланилади. Расмий ҳужжатларнинг аниқ қолипларда, қулай, ортиқча изоҳларсиз бўлиши иш юритишни осонлаштиради ва ҳодимларнинг расмий ҳужжатларга эътиборини оширади. Қолаверса, давлат фуқароси бўлган ҳар бир шахс расмий ҳужжатлар билан ўзи ишлаш олиши, ўзига тегишли барча ҳужжатларни ҳеч чўчимай ўзи тўлдириши лозим. Ҳар бир ташкилотдаги давлат тили бўйича маслаҳатчининг вазифаларидан бири ҳодимларни энг зарурий ҳужжатлар матни билан таништириб боришдир.

Маслаҳатчи ўз тилимизда қулай ва ҳаммага тушунарли муқобиллари бўла туриб, ғарб тилларидан кириб соҳага ўзлашган, бироқ оддий сўзлашувда ниҳоятда бузиб айтиладиган атамалар ўрнига мақбул сўзларимизни қўллаш бўйича департаментга таклифлар киритади. Бунинг учун у ҳозир қўлланаётган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"дан (айни вақтда ушбу луғатни такомиллаштириш, тўлдириш ва электрон вариантини яратиш ишлари бошлаб юборилган) унумли фойдаланиши, бу китобни ҳаммаша энг бош қўлланмаси сифатида ўрганиб бориши лозим. Масалан, қурилиш вазирининг маслаҳатчиси кўп қаватли уйларнинг ташқи ёки ташқи ойнали қисмига нисбатан ишлатиладиган "балкон" сўзи ўрнига қадимдан қўлланиб, "салтанат кўши", "чақирик жойи", "ёзги равоқ" маъноларини англатадиган "ҳавоза" сўзини таклиф қилиши мумкин. Бу атама уйлар қуриш пайтида вақтинча қуриб олиб, ишлатиладиган кўтарма супа маъносига ҳам маънодош сўз сифатида қўллansa, зарар қилмайди.

Департаментда давлат тилида иш юритиш бўйича раҳбар маслаҳатчиларининг кенгашлари ўтказиб борилади. Кенгашлар давлат тилининг республика миқёсида кун сайин кенг қўлланиши имкониятлари, унга монеликларни бартараф этиш ва бошқа шу каби зарурий масалаларга бағишланади.

Жой номлари бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Яқинда Бош вазир давлат тилининг қўлланишига доир ўтказган йиғилишида "Давергеодезадастр" кўмитасига икки ҳафта мuddатда географик объектларнинг номлари давлат реестридаги қонун ҳужжатлари талабларига зид жой номларининг рўйхатини тузиш ва уларни қайта номлаш ишлари топширилди. Давлат тилини ривожлантириш департаментининг ўрганиш натижалари асосида баён қилишча, бутун республикада мавжуд 131 мингдан зиёд кўчанин 39 мингга яқини номсиз. Ахир аҳоли сони кун сайин ортиб бормоқда, у ерларда инсонлар яшайди. Наҳотки, туман раҳбарлари ўз худудларидаги номсиз жойларда яшайдиган кишилар ҳаёти билан қизиқмаган. Зарур бўлганда уларни қайси манзил бўйича топган? Ҳозир замон шиддатли, рақамли иқтисодиёт йилида энг катта вазифа мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига оид маълумотлар тўлиқ, аввало, унинг яшаш манзили жуда аниқ бўлишидир. Чиндан ҳам, муайян бир одам ҳақида "Ғузур тумани номсиз кўча рақамсиз уйда истиқомат қилувчи Рустам Алиев" қабилида айтилиши бизга қанчалик уят ахир.

Яна бир масала жуда ташвишлидир. Тадбиркорлик кун сайин ривожланиб бормоқда. Ёшларимиз сармоя тўплаб ёки давлатдан кредит олиб, ўз тадбиркорликларини йўлга қўймоқда. Ана шу янги корхоналарни миллий номлашни талаб қилиш лозим. Бунда худудлардаги мутасадди ташкилотлар зиммасига вазифа белгилаш жоиз. Бугун ажнабий номлаганлари билан кўп ўтмай, ўзлари яна ўзгартиришларига тўғри келади. Буни эса шунчаки айтиб, амалга ошириб бўлмайди. Ахир қишлоқ жойда ҳам қурилиш кетаётган жой тўсиғига "Скоро открытие" деб ёзиб қўйган тадбиркордан нима кутиш мумкин? Янги корхоналар миллий номлашини тартибга солиш ҳуқуқий асос керак бўлади.

Рекамалар, эълонлар, таширф қўғозлари, нархномалар, ёриқлар, сифат белгиларини ёзишда энг аввал давлат тилида, ундан кейин бошқа тиллардагиси ҳажман умумий ёзув ўрнининг ундан бир қисмидан ошмаган ҳажмида белгилашни керак бўлади. Ана шу билан ҳам юртимизда давлат тили устуворлигини таъминлаш мумкин.

Очмгини айтиш лозимики, Марказий Осиёдаги деярли барча мамлакатлар Ўзбекистондаги мавжуд вазиятнинг ижобий жиҳатларини ўрганишга интилади. Улар бизни ўзимиз фахрлиниб айтадиган аждодларимизнинг муносиб ворислари сифатида билади. Бироқ биз тил соҳасида ҳозирча уларга ўрнатилган даражада эмасмиз. Умид қиламизки, бу соҳада эришган ютуқларимиз, турган тўғри йўлимизни қўшни мамлакатлар, қардош халқлар, қолаверса, бутун дунё кўради, қўллаб-қувватлайди.

Биз жадал бўлмоғимиз лозим. Ишни ўз-ўзимиздан, ўзимизнинг тилга муносабатдаги камчиликларимизни тугатишдан бошлашимиз керак.

Қарор ва ижро



**Улуғмурод ЭРНАЗАРОВ,**  
Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Суд экспертларининг малакасини ошириш ўқув маркази мудири

Мамлакатимизда инсон тақдирини, унинг манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилгани суд-экспертиза ташкилотлари ўтказилган ҳар қандай тадқиқот натижасининг юрtdошларимиз тақдирига дахлдорлигини янада оширди. Шу боис, бу муассасалар фаолиятини такомиллаштириш, улар томонидан ўтказилаётган тадқиқотлар сифати ва самарадорлигини таъминлаш айни пайтда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

## НОДАВЛАТ СУД ЭКСПЕРТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ — СОҒЛОМ РАҚОБАТ ГАРОВИ

Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги "Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда нодавлат суд-экспертиза ташкилотларини ташкил этишга рухсат берилиши ва уларга суд экспертизаларининг айрим турларини ўтказиш ҳуқуқи тақдим этилиши ушбу масаланинг нақадар аҳамиятли эканига аққол далилдир.

Низом талабларига кўра, мамлакатимизда нодавлат суд-экспертиза ташкилотларининг суд-экспертлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази, Ички ишлар академияси, Фанлар академиясининг Зоология, Ботаника институтлари ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган экспертиза турлари бўйича, суд-экспертларининг ҳуқуқий билимини ошириш эса Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази томонидан амалга оширилиши белгиланди.



**Давлат суд экспертизаси муассасаларида узлуксиз 10 йил суд-экспертлик фаолиятини амалга оширган мутахассислар ўз ихтисослиги бўйича қайта тайёрлаш курсларида ўқимасдан, тўғридан-тўғри яқуний имтиҳон топшириши мумкин.**

Изчил ислохотларнинг давоми сифатида суд экспертизаси соҳасида нодавлат сектор фаолиятига рухсат бериш ишлари жадаллаштириш ҳамда бу билан боғлиқ жараёни ҳуқуқий тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 мартдаги қарорига асосан, Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги, Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд-экспертларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича биллиминини ошириш тартиби тўғрисидаги ва Суд эксперти сифатида касбий лаёқатни тасдиқловчи сертификат олган шахсларнинг ягона реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомлар тасдиқланди.

Ҳукуматнинг мазкур қарорига кўра, нафақат нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, балки уларни малакали кадрлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, қарор билан тасдиқланган Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд-экспертларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича биллиминини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан, бундай муассасаларнинг суд-экспертларини қайта тайёрлаш, малакасини ва ҳуқуқий билиминини ошириш тартиби белгиланди.

Суд-экспертларини қайта тайёрлашнинг асосий мақсади суд-экспертларининг муайян тури бўйича назарий билим, амалий ўқимма ва малакани шакллантириш, талабгорни нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида суд-эксперти сифатида ишлашга тайёрлашдир.

Бу эса, ўз навбатида, суд-экспертиза соҳасида нодавлат сектор ролинини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, соғлом рақобатни вужудга келтиришга хизмат қилади. Асосийси, фуқароларда суд-экспертиза ёки мутахассис маслаҳатини олишга зарурат туғилганда, танлаш ҳуқуқи мавжуд бўлади.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари суд-экспертларини қайта тайёрлаш ихтиёрийлик асосида суд-экспертизасининг муайян тури бўйича касбий фаолият билан шуғулланиш истагини билдирган шахслар учун шартномага мувофиқ, пулли асосда ташкил этилади.

Давлат суд-экспертизаси муассасаларида узлуксиз 10 йил суд-экспертлик фаолиятини амалга оширган мутахассислар ўз ихтисослиги бўйича қайта тайёрлаш курсларида ўқимасдан, тўғридан-тўғри яқуний имтиҳон топшириши мумкин.

Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, суд-экспертлари сифатида қайта тайёрлаш, ушбу нодавлат хизмат турининг амалиётга киритилиши, биринчи навбатда, юрtdошларимизга кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш, улар учун танлаш имкониятини яратишга хизмат қилади.



илоҳий бир ҳодиса бўлган, турли тилда яратилган асарларнинг ворисларигача исиз йўқ бўлиб кетиши нақадар аянчлидир.

Дунёдаги тиллар ҳозир йўқолиш хавфи бўлмаган, йўқолиш хавфи бўлган ва йўқолиш мукаррар тилларга бўлинади. Интернет ва дастурлаш тилига айланган бўлган, унда сўзловчилар ўз тилларини қаттиқ ҳурматлаб, фақат ривожлантиришга уринаётган ва бунинг уddасидан чиқаётган инглиз, немис, рус, испан, француз, хитой, япон, араб каби тиллар йўқолиш хавфи бўлмаган тиллардир. Статистика яқин келажакда европаликларнинг 50 та, африкаликларнинг 600 та, Тинч уммони минтақасида яшовчиларнинг 200 та тили бутунлай йўқолиб кетиши мумкинлигини билдирмоқда.

Ўзбек тили эса кўн сонли ва йўқолиш хавфи турли даражада бўлган тиллар сирасига кирди. Энди гап ўзимизда. Ҳукумат ўзбек тилини ривожлантиришга катта йўл очиб берди. Бир-биримизга айбни ағдармайлик — тилимизнинг бугунги аҳолида ҳаммамиз бирдек айбдоримиз.

Шоира Уктамои Холдорова билан суҳбатлашганимизда, у кўнлаб чет мамлакатларда бўлгани, ўз тилига лоқайдлик ҳеч қаерда биздагидек эмаслигини кўнуби гапирди.

"Туркияда бирорта бошқа тилдаги ёрлик ё реклама кўрмайсиз. Истанбул шаҳрига аввалроқ — 1989 йилда ҳам боргандим. Уша вақтларда ҳам тилимиз ёмон бузилган эди. Ҳозир, ҳарқалай, уша вақтдаги

Миллат фидойилари

# “КАТТА МУАЛЛИМ”

## ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ҚИРРАЛАРИ



(МУНАВВАРҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР)

**Зайнобидин АБДИРАШИДОВ,**  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти

Бугун ҳаётини ҳақиқатга айланган миллий истиқлол сарчашмалари XIX аср охири XX аср бошларида кечган ва ўзбек миллий уйғониш даври номи билан тарихга кирган қисқа замонда шаклланди. Бу даврда яшаб ижод этган маърифатчилар фаолиятини бевосита миллий истиқлолга эришиш йўлидаги курашдан айри тасаввур этиб бўлмайди. Улар ўз фаолиятлари давомида миллий истиқлол ғоясини баён этиш, фикрларини бошқа маърифатпарварлар билан баҳам кўриш, ҳамжихатликда ишлаш ва оммани ўзлари ортдан эргаштириш мақсадида яратган бадиий-адабий мерослари бугунги кунда биз эришган истиқлол сарчашмаларини аниқлашда ва ёш авлодни баркамол инсон сифатида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

ради. “Хозирги вақтда Туркистонда Мунавварқори ва Самқоридан бошқа расмий ҳукуматга қарши ҳаракат қилаётган кимсалар йўқ. Агарда пайдо бўлган бўлса ҳам бевосита бу иккисининг шогирди бўлади”, деб ёзади “миллатпарвар”. Бу чакув қоғозлари Мунавварқорнинг миллат равақи учун олиб борган ишлари эски тарзда фикрловчи инсонларни қай тарзда ташвишга солганини кўрсатади.

Тошкент шаҳрининг муслмон қисми полицияси бошлиғи капитан Колесниковнинг Туркистон ҳудудий оҳранка бўлимига 1910 йил 9 декабрда берган маълумотномасида Тошкент шаҳридаги маҳаллий аҳоли ўртасида кечаётган янгилаш ҳаракатининг раҳбари ва раҳнамоси Мунавварқори экани таъкидланади. Мунавварқори бошлиқ ушбу ҳаракатнинг энг фаол 20-25 аъзоси мунтазам равишда ҳафтанинг пайшанба кунлари йиғилиш ўтказиб туриши ва бу йиғилишларда муслмонлар ҳаётини ўзгартириш, Туркияга кўпроқ талаба юбориш масаласи муҳокама қилиниши батафсил ёритиб ўтилади. Колесников Мунавварқорнинг маҳаллий муслмонлар орасида қанчалик юқори эътиборга лойиқлигини кўрсатиш мақсадида уни ҳаммалари “катта бошлиқ” деб аташларига алоҳида ургу беради.

Мунавварқори чор ҳукумати тарафидан 1905 йил 5 октябрда эълон қилинган Манифестдан кейин ўз фаолиятини анча кучайтирди. Манифест бунга имкон берар эди. Мунавварқори ўзининг яқин издошлари билан Манифест берган сўз эркинлигидан истифода этган ҳолда бир неча вақтлик матбуот органлари — “Шухрат”, “Осиё”, “Хуршид” каби газеталар фаолиятини йўлга қўйди. Лекин ушбу матбуот органлари ислохларварларнинг асосий “душманлари” бўлган консерватив уламо ҳамда улар ортдан эргашувчи “маърифатсиз” омма қаршилигига дуч келди. Чор маъмурияти юқоридаги “миллатпарварлар”дан фойдаланиб, газеталарни ҳукуматга қарши фикрларни тарқатаётганликда айблади ва уларни бирин-кетин епиб қўйди.

**Дарҳақиқат, Тошкентда миллий матбуотни бошлаб берган илк вақтлик матбуот органларида биринчи навбатда эски фикрли уламоларга қарши сўзлар айтилган бўлса, иккинчи ўринда ҳукуматнинг айрим вакиллари танқид остига олинди. Бу эса, табиийки, икки тоифага ҳам хуш келмади.**

Мунавварқорнинг илк мақолаларидаёқ Туркистонда муслмонлар ижтимоий ҳаётини тубдан ислоҳ қилиш тўғрисидаги фикрлар учрайди. Уларда ислоҳ қилишдан мақсад, биринчи навбатда, диний софликка чакирув, яъни ислом динини турли бидъатлардан тазолашга тарғиб-ботлиги яққол билиниб туради. Бу мақолаларда Мунавварқори соф диний уламо сифатида кўзга ташланади. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, Мунавварқори сиёсий масалалар билан шугулланган вақтда ҳам масжидда имомлик қилган эди. Унинг юқоридаги қарашлари айнан ана шу “имом” тарафидан баён қилинди. Мунавварқори Тошкент уламоси ва масжидлар имомларини, яъни “ноиб Раҳуллоҳ”ларни халқни тўғри йўлга бошлаш, уларга маърифат улашиш ўрнига маҳаллий ҳукумат вакилларининг ташкил этган турли зиёфатларига боришга ўрганиб қолганликда айблайди. Мунавварқорнинг уларга қўйган асосий айбларидан бири бу уламо ва имомларнинг миллат нима, шариат нималигини унутганлиги ҳамда Туркистон муслмонларининг ҳақиқий ислом динидан узоқлашишига сабабчи эканлиги. Бу маҳаллий уламолар тарафида отилган энг катта “тош” эди.

У 1910 йил 3 сентябрда Туркистон генерал-губернатори канцелярияси бошлиғи В.Мустафинга йўллаган махфий билдиришида Тошкент шаҳридаги жадид мактабининг катта муаллими Мунавварқорнинг ҳукуматга қарши иш олиб бораётгани ҳақида оғохлантириб қўйиш ўз вазифаси эканини маълум қилади. Н.Остроумовнинг ушбу билдириши натижаси ўлароқ, В.Мустафин Туркистон ҳудудий оҳранкаси бошлиғига шахсан генерал-губернаторнинг кўрсатмасига биноан Мунавварқори ортдан кузатув кучайтирилиши борасида буйруқ беради. Табиийки, Туркистон оҳранкаси Мунавварқори борасида турли йўллар билан маълумот йиғиб, вақти-вақти билан генерал-губернаторликка юбориб турган. Ўз навбатида, ушбу маълумотлар Мунавварқори ва унинг издошлари ҳамда ҳамфикрлари фаолиятининг айрим қоронғу жиҳатларини очишга ва улар борасидаги маълумотларнинг бойишига хизмат қиладиган манбалардан ҳисобланади. Энг ачинарлиси, бундай маълумотларнинг кўпи ўзларининг ҳукуматга содиқ эканини кўрсатишга ҳаракат қилган айрим маҳаллий “миллатпарварлар” томонидан тақдим этилган. Улар берган чакув қоғозларида, асосан, Мунавварқори ва унинг

атрофида йиғилган ҳақиқий миллатпарварлар ҳақида маълумотлар жамланган. Ўзини Мунавварқори имомлик қилган масжид ахларидан деб таништирган “миллатпарварлар”дан бири берган чакув қоғозига кўра, Мунавварқори ташкил этган газеталар ҳукумат тарафидан ёпиб қўйилгандан кейин у фикр ва ғояларини янги мактаблар орқали тарқатишга тиришаётгани ҳамда маҳаллий ёшларни Туркияга ўқишга юборишга қаттиқ ҳаракат қилаётгани ўта эҳтирос билан баён этилган. Бу “миллатпарвар” Мунавварқорини “фош” қилиш мақсадида Туркистондан ташқаридида матбуотда ўлка маъмурияти ва айрим амалдорлари тўғрисида танқидий мақола берилаётган бўлса, уларнинг барчаси Мунавварқори тарафидан ёзилаётгани ҳамда шахсан Н.Остроумов шаънига турли ҳақоратомуз сўзлар айтаётганини билди-

Мунавварқори фикрларини давом эттирар экан, фақатгина ҳақиқий уламолар гуруҳининг соф исломга мутлақ мувофиқ келмайдиган турли бидъатларнинг асл моҳиятини оддий оммага тушунтириб беришга қодир эканлиги ҳамда фақатгина улар “муслмонларнинг ҳам диний, ҳам дунёвий ишларига фойда келтириши мумкин”лигини таъкидлайди. Мунавварқори юқоридаги уламо тимсолида замонанинг аҳолидан, сиёсатдан, ҳам диний, ҳам дунёвий илмидан хабари бор инсонни кўради.

Туркистондаги илк газета — “Тараққий”да юқоридаги каби мақоаларнинг асосий муаллифи Мунавварқори эди. Ушбу газета катта қаршиликка учраб, ҳукумат тарафидан ёпиб қўйилгандан кейин орадан бир неча ҳафта ўтиб Мунавварқори “Хуршид” газетасини таъсис қилди. Бу газета ҳам “Тараққий” тутган йўлдан борди, лекин газета асосан Россия ва қўшни мамлакатларда кечаётган сиёсий жараёнларни ёритишга ургу берди.

“Хуршид” газетасининг фақат 10 сони чиқди ва у 1906 йил 13 ноябрда “аксилхукумат йўналиш”даги нашр сифатида расмийлар тарафидан ёпиб қўйилди. Ундан кейин Мунавварқори, Абдулла Авлоний ва татар намоюдаси Аҳмаджон Бектемиров биргаликда ташкил этган “Шухрат” ва “Осиё” газеталари ҳам юқоридаги каби айблов билан ёпиб қўйилди.

Мунавварқори фаолиятининг асосий қирраларидан бирини ташкил этувчи омил бу хайрия ташкилотларидир. Туркистонда бундай жамиятларнинг тўнғичи 1909 йили айнан Тошкентда Мунавварқори ва унинг атрофида жам бўлган миллатпарварлар ташаббуси билан ташкил этилди.

Кенг қамровли ушбу жамият 1909 йил 15 июлда, айрим маълумотларга кўра, 10 августда “Жамияти Имдодия” номи билан тузилди. Унинг таъсисчилари Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Баширулла Асадуллахўжа ўғли, Абдулла Авлоний, Низомқори Муллахўсайи ўғли, Тошхўжа Тўғёбой ўғли эди. Жамиятнинг низоминомасида унинг асосий вазифалари сифатида халқнинг барча қатламларини ўқитиш учун мактаблар ва турли ёрдам муассасаларни ташкил этиш, камбағал ва етим болаларни ўз қарамоғига олиш, талабаларга ёрдам бериш ва ҳоказолар белгиланган. “Жамияти Имдодия”нинг биринчи раиси сифатида Абдулла Авлоний 4 ой иш олиб берди. Ундан кейин эса жамият раислигига Тошкентнинг нуфузли миллионер савдогари Саидкаримбой Саидзимов тайинланган.

Мазкур жамият ҳукумат белгилаб берган “намунавий низоми” асосида ўз низомини тасдиқлагани босим айрим ишларни амалга оширишда “қўли боғлиқ” эди. Жамият фақатгина Сирдарё вилояти ҳудуди бўйича турли моддий ёрдам қўрсата оларди. Туркистондан Россия, Туркия ва бошқа жойларга бориб ўқитган талабаларни моддий жиҳатдан қўллаш қонун бўйича таъкидланган эди. Шу сабабдан ҳам тошкентлик таниқли маърифатпарвар, у вақтда Уфадаги мадрасаи олия талабаси Мўхаммадҷон Мўхаммадҷонов жамиятга моддий ёрдам сўраб мурожаат қилишига қарамай, рад жавоб олганди. Лекин жамият асосчиси Мунавварқори шахсан ўзи айрим бой савдогарлар олдида бориб, М.Мўхаммадҷонов учун бир микдор маблағ толиб бергани “Турмуш урунлишлари”да баён этилган.

Жамият руслар тарафидан анча илгари ташкил этилган “Туркистон хайрия жамияти” тасарруфидида Тошкентнинг муслмон қисмида жойлашган “Дору-л-айтом”(Етим болалар учун бошлана)ни ўз қарамоғига ўтказиш учун “Туркистон хайрия жамияти” бошқарув кенгашига ариза беради. “Жамияти Имдодия”нинг мазкур аризаси қўриб чиқилгандан кейин “Дору-л-айтом” жамият қарамоғига берилди ва Мунавварқори ташаббуси билан тошкентлик савдогарларнинг йиғилишидан бирида “Дору-л-айтом” ҳисобига 600 рубль микдорда маблағ йиғилади. Жамият кенг қўламдаги ишларни амалга оширишга бел боғлади, аммо тошкентлик бой савдогарларнинг қўлчилиги Мунавварқори ташаббусларини аксар ҳолда қўлламади, моддий ёрдам беришдан бош тортиди. Уларнинг қўлчилиги қилиниши лозим бўлган ишларни “бекорга пул сарфлаш”, “бўлмаган иш” каби баҳоналар билан рад этишди.

“Жамияти Имдодия”нинг моддий аҳоли фақатгина аъзолардан олинган бадал пули ҳамда турли йиғилишларда йиғилган маблағга боғлиқ бўлгани сабабли жамиятнинг ишлари жадвал ривож топмади. Жамият низомидан ташқари бошқа бир фаолият олиб бора олмаслиги ҳам унинг имкониятларини бир тарафдан чеклаб қўйган бўлса, бошқа тарафдан моддий қийинчилик

ҳам тўсиқ бўлди. Шунинг учун ҳам жамият бир йилда янги усул мактабларига бор-йўғи 50 рубль микдорда моддий ёрдам бериш имкониятига эга эди. Жамият раиси Саидзимов Саидкаримов тошкентлик бойларни жамият атрофида қовуштира олмагандан кейин жамиятнинг Мунавварқори бошлиқ ёшлар қаноти ташаббуси ўз қўлларига олишга мажбур бўлди. Мунавварқори ўз “Хотиралари”да жамият аввалда катта бойлар қўлида эди, кейинчалик ярадан қўлга ўтди, деб ёзганда айнан ана шу вазиятни назарда тутганди. 1913 йилга келиб жамиятни ёпиш масаласи ўртага қўйилди. Мунавварқори вазиятдан чиқиш мақсадида айрим рус ва татар хайрия жамиятлари қўллаган усулдан фойдаланишга қарор қилди. “Жамияти Имдодия”нинг моддий аҳолини яхшилаш учун турли бадиий кечалар ташкил этиш режасини ишлаб чиқди. Режа асосида жамият 1913 йили театр кечаси ташкил этди ва бу кечада татар муаллифларининг 2 драмаси саҳнага қўйилди. Ўтказилган кечада яғни 966 рубль маблағ йиғилган бўлса, унинг 313 рубли театр труппасига, қолгани эса жамият ҳисобига ўтди. Шу йўл билан Мунавварқори жамият фаолиятини жонлантирди.

**1913 йили Мунавварқори ва Абдулла Авлоний ташаббуси билан “Жамияти Имдодия” қошида “Турон” жамияти ташкил этилди. Ушбу жамият “Жамияти Имдодия” тасарруфиди бўлишига қарамай, ундан айри тарзда фаолият юрита бошлади. Мунавварқори ўз издошларини “Жамияти Имдодия”дан бутунлай ажратиб олди ва янги ташкил этилган жамият атрофида бирлаштирди. Икки йил давомида “Турон” жамияти Тошкентда қироатхона очди, театр труппаси ташкил этди ва наشريёт билан газета таъсис қилди. Тошкент қироатхонаси дунёдаги қўллаб вақтлик матбуот нашрларига обуна бўлди ва ўз ўқувчиларига теким хизмат кўрсатди. Авлоний эса ўзи ўқитувчилик қилаётган мактаб ўқувчилари икром этган ашулани “Турон” жамияти ёрдамида пластинкага ёздирди. Ушбу пластинканинг савдосидан тушган пул бевосита “Турон” жамияти ҳисобига келиб тушди. Жамият қошида ташкил этилган драмтруппа эса Тошкент ва Фарғона водийси бўйлаб спектакллар қўя бошлади. Драмтруппа фаолиятиндан келган маблағ, асосан, янги усул мактаблари учун сарфланди. Мунавварқори Тошкент жадидларининг ана шундай ҳақиқий қарвонбошиси ва раҳнамоси эди.**

Тошкентда янги усул мактаблари пайдо бўлиши ва ривожини яна Мунавварқори билан боғлиқ. Ушбу йўналишда охириги 20 йил ичида жуда кўп изланишлар, мақолалар эълон қилинди. Яна уларни такрорлашга ҳожат йўқ. Бир нарсани айтиш мумкинки, Мунавварқори аҳолига янги усул мактабларининг афзаллиқларини таништириш мақсадида Тошкентда Россияда унумли қўлла-нилиб келинаётган очик имтиҳон тадбирини биринчилардан бўлиб жорий этди, мактаблардаги ўқув дастуридан тортиб, уларда ўқитиладиган дарсликларга ишлаб чиқди ва уларни кенг тарғиб қилди.

Мунавварқорнинг фаолияти жуда кенг қамровли бўлиб, унинг ҳар бир қирраси мукамал ва чуқур тадиқ қилиниши лозим. Ана шундангина биз Мунавварқорнинг миллат манфаати, равнақи, унинг тараққиёти ва истиқлоли учун олиб борган ишлари қўламини яққолроқ кўришимиз мумкин бўлади.

**Мунавварқори фаолиятининг асосий қирраларидан бирини ташкил этувчи омил бу хайрия ташкилотларидир. Туркистонда бундай жамиятларнинг тўнғичи 1909 йили айнан Тошкентда Мунавварқори ва унинг атрофида жам бўлган миллатпарварлар ташаббуси билан ташкил этилди.**

“бутун жадид мактабларининг бошлиғи”, “муслмон матбуотининг илк ташкилотчиларидан”, деган таърифларига дуч келамиз. Ҳа, бу зийлига нисбатан берилган таърифлари жуда ҳаққоний эди.

Мунавварқори ўта моҳир сиёсатчи эди. У турли матбуот нашрларида берган мақолаларида ўз фикрларини шу қадар моҳирона ифода этадики, чор маъмурияти унга бирор айб қўя олмас эдилар. Бу эса Мунавварқорнинг жуда синчков публицист эканидан далolat беради. Шу сабабдан ҳам чор маъмурияти Мунавварқорини фақат кузатиш, у ҳақда маълумот йиғиш, ордасидан хуфялар қўйиш билангина чекланган. Унинг фаолиятини ўта синчковлик билан кузатган рус маъмуриларидан бири, ўлка маориф тизими “асосчи”ларидан Николай Остроумов эди.